

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5321500 – 3.20.
201__ йил “__” __.



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

201__ йил “22” 01

ЎҚУВ УСТАХОНАСИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси :	300000	– Ишлаб чиқариш - техник соҳа
Таълим соҳаси :	320000	– Ишлаб чиқариш технологиялари
Таълим йўналиши :	5321500	– Технологиялар ва жиҳозлар (машинасозлик)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201_ йил “_____” _____ даги “_____” - сонли буйруғининг _____ - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 201_ йил “_____” _____ даги “_____” - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Бухоро муҳандислик-технология институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Гаффаров Х.Р. - Бух.МТИ, “Технологиялар ва жихозлар” кафедраси
доценти, т.ф.н;
Қўлдошев Э.И. - Бух.МТИ, “Технологиялар ва жихозлар” кафедраси
ўқитувчиси;

Тақризчилар:

- Тураходжаев Н.Д - ТДТУ, “Машинасозлик технологияси” кафедраси
мудири, доцент, т.ф.н;
Джумаев З.Ф - Бух.МТИ, “Технологиялар ва жихозлар” кафедраси
доценти, т.ф.н;

Фан дастури Бухоро муҳандислик-технология институти Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201_ йил “_____” _____ даги “_____” - сонли баённома).

КИРИШ

Республикамиз машинасозлик корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, корхоналардаги мавжуд фойдаланилаётган жиҳозлар ва ускуналарни сифатли таъмирлаш ва улардан унумли фойдаланиш юқори малакали кадрлар тайёрлашни талаб қилади.

Талабаларга ҳозирги замонавий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва таъмирлаш усуллари билишлари талаб қилинади. “Ўқув устахонаси“ фанини ўрганишга олдинги курсларда ўтилган барча фанлар асос бўлиб хизмат қилади.

“Ўқув устахонаси” фанини чуқур ўрганиш тегишли соҳалар муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўрганишдан мақсад - мутахассислик ҳақида тушунча олиш, мутахассисликка оид атама ва иборалар билан танишиш, ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат уюштириб яқиндан танишиш, чилангарлик ишларини ва дастгоҳлардан фойдаланишни ургатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга ўзларининг иш фаолиятларида устахоналарда ишлашни ўргатиш;

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- чилангарлик ишлари;
- машинасозлик дастгоҳларида ишлаш;
- Электр-газ алангасида пайвандлашнинг усул ва воситалари;
- Ўлчаш асослари, ўлчаш асбоблари, ўлчаш асбобларидан фойдаланиш.
- Металларни кесиш.
- Металларни қирқиш усуллари.
- Металларни тўғрилаш.
- Металларни эгиш.
- Шаберлар ва уларнинг турлари. Бурчак остида жойлашган тешикларни шаберлаш. Эгри сиртларни шаберлаш.
- Деталларни бир-бирига мослаштириш
- Пармалар, пармалаш дастгоҳлари, тешикларни пармалаш
- Зенкерлаш, зенковкалаш ва развёрткалаш
- Резба кесиш асбоблари ва резба кесиш жараёни
- Парчинлаш, парчин михлар ва парчинли бирикмани йиғиш жараёни
- Токарлик дастгоҳининг тузилиши ва бошқарув тизимини узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Ўқув устахонаси” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- чилангарлик ишлари;
- машинасозлик дастгоҳларида ишлаш;
- электр-газ алангасида пайвандлашнинг усул ва воситалари;
- металлларга ишлов бериш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- ўлчаш асослари, ўлчаш асбоблари, ўлчаш асбобларидан фойдаланиш.
- металларни кесиш усуллари.
- металларни тўғрилаш.
- металларни эгиш.
- шаберлар ва уларнинг турлари, бурчак остида жойлашган тешикларни шаберлаш.
- деталларни бир-бирига мослаштириш
- пармалаш дастгоҳлари, тешикларни пармалаш
- зенкерлаш ва развёрткалаш
- резба кесиш асбоблари ва резба кесиш жараёни
- парчинлаш, парчин михлар ва парчинли бирикмани йиғиш жараёни
- токарлик дастгоҳининг тузилиши ва бошқарув тизимини.
- фрезалаш дастгоҳларининг тузилишини *билиши ва фойдалана олиши;*
- ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш;
- техник ўлчашлар.
- ўлчаш воситалари.
- ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш;
- дастгоҳларда ишлаш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Ўқув устахонаси” - умумкасбий фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Мутахассисликка кириш” ва ”Материалшунослик”, ”Конструкция материаллар технологияси” фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади. “Машинасозлик технологияси асослари”, “Кесиш назарияси асослари ва асбоблари”, “Болғалаш ва штамплашда қўлланиладиган технологиялар ва жиҳозлар”, “Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш асослари” фанларини ўзлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Ўқув устахонаси” фани – танлов фан ҳисобланиб, шу соҳадаги мутахассисларни тайёрлашда конструкторлик, технологик ва ишлаб чиқаришда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади. “Ўқув устахонаси” фанини тўлиқ ўзлаштирган талаба технологик машиналар ва жиҳозлар йўналиши бўйича етук мутахассис сифатида фаолият кўрсатади, ўз билимини шу йўналишда тинимсиз ошириш имкониятига эга бўлади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба “Ўқув устахонаси” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тadbик қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, жиҳозлар, электрон материаллар, вертуал стендлар, илғор педагогик технологиялардан, компьютер дастурларидан ва интернет тизимларидан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Фан бўйича назарий машғулотлар ўқув режада кўзда тутилмаган.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

“Ўқув устахонаси” фанининг мазмуни, предмети ва методи.

Фаннинг мазмуни. Фаннинг предмети ва объекти. Чилангарлик иши турлари. Меҳнат маданияти. Маҳсулот сифати. Техника, электр ва ёнғин ҳавфсизлиги. Санитария-гигиена қоидалари

Ўлчаш асослари

Ўлчаш асбоблари, ўлчаш асбобларидан фойдаланиш. Текисликда ва фазовий режалаш . Режалаш усуллари, асбоблари ва мосламалари.

Металларни кесиш, қирқиш, тўғрилаш ва эгиш.

Металлни кесиш асбоблари ва усуллари. Металл кесиш асбобларини созлаш. Металларни қирқиш асбоблари ва уларга бўлган талаблар. Металларни қирқиш усуллари. Тўғрилаш асбоблари ва мосламалар. Тўғрилаш усуллари ва уларни текшириш. Металларни эгиш. Листларни совуқ ҳолда эгиш. Қувурларни ва чивикларни совуқ ҳолда эгиш.

Металларга қўл биллаш ишлов бериш жиҳозлари.

Эговлар турлари ва таснифлари ва уларга бўлган талаблар, юзани эговлашга тайёрлаш. Текис юзани эговлаш. Фасон юзаларни эговлаш усуллари. Тешик ва ботик юзаларни эговлаш. Юпқа листларни эговлаш. Шаберлар. Шаберлар ва уларнинг турлари. Бурчак остида жойлашган тешикларни шаберлаш. Эгри сиртларни шаберлаш. Деталларни бир-бирига мослаштириш. Ишқалагичлар. Ишқалаш техникаси. Сиртларни ишқалаш ва ярқиратиш.

Пармалар, тешикларни пармалаш ва бирикмалар.

Зенкерлаш, зенковкалаш ва развёрткалаш. Резбалар, резба кесиш асбоблари ва резба кесиш жараёни. Парчинлаш, парчин михлар ва парчинли бирикмани йиғиш жараёни. Ҳомутлар тайёрлаш. Резбали бирикмалар тайёрлаш ва йиғиш. Илгак тайёрлаш. Болға тайёрлаш

Машинасозлик материаллар, тайёрланмаларни мосламага ўрнатиш.

Конструкция материаллар, уларнинг механик хоссалари, Тайёрланмаларни дастгоҳ столида ёки мосламада берилган аниқликда ўрнатиш ва маҳкамлаш. Технологик базаларни танлаш. Кескичлар, уларнинг турлари, конструкциялари ва ишлатилиш соҳалари. Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун материаллар: легирланган пўлатлар, углеродли асбобсозлик пўлатлар, тезкесар пўлатлар, металлокерамика ва минералокерамика материаллари.

Метал кесиш дастгоҳлари.

Металл кесиш дастгоҳларининг қисқача тарихи, уларнинг

классификацияси, конструкцияси, таркибий қисмлари, бошқариш тизимлари, асосий ҳаракатлари, кесиш режимларини ўрнатиш, деталларнинг ўлчамларини назорат қилиш, деталларни кесиш усуллари, токарлик, пармалаш, жилвирлаш, резба чиқариш ва тиш кесиш.

Токарлик дастгоҳлари

Токарлик дастгоҳлари. Универсал токарлик дастгоҳлари, уларнинг конструкциялари ва ишлатилиш соҳалари. Токарлик дастгоҳларида ишлатиладиган мосламалар. токарлик дастгоҳларида цилиндрик, конус сиртларга ишлов бериш. Деталларга резба чиқариш. Резба кесувчи асбоблар. Дастгоҳ механизмлари. Дастгоҳ мосламалари. Деталларга хомаки ишлов бериш, тоза ишлов бериш.

Пармалаш дастгоҳлари

Пармалаш дастгоҳлари, уларнинг тузилиши, асосий ишчи органлари. Пармалаш дастгоҳларини ростлаш ва созлаш. Пармалаш дастгоҳларида ишлатиладиган мосламалар. Пармалар, уларнинг турлари, конструкциялари ва ишлатилиш соҳалари. Зенкерлар, развёрткалар, уларнинг турлари, конструкциялари ва ишлатилиш соҳалари.

Фрезалаш ва рандалаш дастгоҳлари

Фрезалаш ва рандалаш дастгоҳларида ишлатиладиган мосламалар, кесувчи асбоблар ва уларни қўллаш. Тешиқларга ишлов бериш асбобларини чархлаш. фрезалаш дастгоҳлари, уларнинг турлари ва ишлатилиш соҳалари. Фрезалаш дастгоҳларини ростлаш ва созлаш, уларда ишлатиладиган мосламалар. Фрезаларнинг турлари, конструкциялари ва ишлатилиш соҳалари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш

орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўрғазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

“Ўқув устахонаси” фани бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган.

Талабалар аудитория машғулотида профессор-ўқитувчиларнинг топшириқларини бажарадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгрок ўрганиш мақсадида кўшимча адабиётларни ўқиб рефератлар тайёрлайди. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

“Ўқув устахонаси” бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисмидан, мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган ҳолда шакллантирилган.

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- олган билимларини амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган амалий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- Ўлчаш асослари
- Металларни кесиш, қирқиш, тўғрилаш ва эгиш.
- Металларга қўл биллаш ишлов бериш жиҳозлари.
- Пармалар, тешиқларни пармалаш ва бирикмалар.
- Материаллар, тайёрланмаларни мосламага ўрнатиш.
- Пармалаш дастгоҳлари
- Метал кесиш дастгоҳлари.
- Фрезалаш ва рандаш дастгоҳлари
- Токарлик дастгоҳлари

Дастурнинг информацион-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- амалий машғулотларда таълим технологияларидан, амалий иш ўйинларидан;
- таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. С. Махкамов. «Слесарлик ишини ўргатиш» Т «Ўқитувчи», 1988 й
2. Мухаммедов Б.Э. «Метрология, технологик параметрларини ўлчаш усуллари ва асбоблари», Т. Ўқитувчи .2001й.
3. Шишкин И.Ф. «Основы метрологии, стандартизации и контроля качества». «Учебное пособие». М., 2009.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н. и др. «Основы стандартизации, сертификации и управления качеством » - Т. Издательство «Фан ва технологиялар» 2005 й.
2. Н.И. Макиенко «Слесарликдан амалий ишлар», Т., «Ўқитувчи» 1992.
3. И. Крупниский «Слесарлик иши», Т, «Ўқитувчи», 1979.

Интернет сайтлар:

1. www.ziyonet.uz;
2. www.lex.uz;
3. www.bilim.uz;
4. www.gov.uz;
5. www.mf.uz.
6. www.uzbekistan.uz
7. Samarskiy nauchniy chentr RAN. E-mail: presidium @ ssc smr. Ru
8. www.ssc smr. ru Tex.mash.

